2009 ЙИЛ, 11 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (11.426)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига бағишлаб мамлакатимизда кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги тутган беқиёс ўрни ва мавқеига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағишланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асосида мазмунли ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган қарорига қўшимча равишда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонларида ўтказиш ҳақидаги таклифлар маъқуллансин.

3. Мустақиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш куни 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 сентябрь чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шанба ва 30 август якшанба кунлари иш куни деб эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 10 июнь*





ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

## ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



**Тошкент шаҳри қадим-қадимдан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган мўътабар гўшадир.**

Пойтахтнинг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий- иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ҳам беқиёс. Айни кунларда илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази сифатида довруғ қозониб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш арафасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, кечадан бошлаб Ўзбекистон тарихи давлат музейида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб республика Маънавият-тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар прокуратураси, пойтахт ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида «Сен Ватаним юрагисан — Тошкентим» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бошланди.

Беш кун давомида бўлиб ўтадиган ушбу тадбирда шаҳримизнинг ўн битта туманидан ўқувчи-ёшлар, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, вояга етмаган ёшлар билан ишловчи комиссия аъзолари ҳамда ёшлар иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшлар орасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини янада такомиллаштириш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она Ватанга муҳаббат уйғотиш, пойтахтимизнинг бой тарихи ва ўтмишини чуқурроқ ўрганишга қаратилган ушбу тадбир бошланишида «Она диёрим Тошкент» деб номланган фильм намойиш этилди.

— Пойтахтимизнинг қутлуғ юбилейига бағишланган маънавий- маърифий тадбирларнинг ўн битта туманда жойлашган маданият ва истироҳат боғларида олим, шоир ва ёзувчилар иштирокида мунтазам ўтказилиши режалаштирилиб, айни кунларда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган, — дейди бу ҳақда Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев. — Мақсадимиз ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкил этиш ва шаҳримиз тарихини яхши билиш ва ўрганишларига ҳисса қўшишдир. Муҳими бугун Ўзбекистон тарихи Давлат музейида шаҳримиз ёшларининг Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари билан учрашувларини ташкил этиб ўтмишимиз, буюк ота- боболаримиз, беназир алломаларимиз, тарихий осори атиқаларимиз билан таништирсак, эртага маданият ва истироҳат боғларида қизиқарли учрашувларни ташкил этамиз, таътил вақтида ёзги оромгоҳларда дам олаётган ўсмир-ёшлар учун ҳам бир қатор маънавий- маърифий тадбирларни ўтказамиз.

— Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ўқувчи-ёшларнинг етарли маълумотларни олишлари, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазма ва музей экспозициялари билан яқиндан танишишлари учун барча шарт- шароитлар яратилган, — дейди суҳбатга қўшилган музей директори, тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова. — Бундан ташқари биз музейимиз ичида жажжи кичкинтойлар — мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган музей филиалини очмоқчимиз. Мақсадимиз кичкинтойларга Ўзбекистон тарихи ва маданиятини уларнинг ёшлари, онги ва қабул қилиш даражаларига мосланган экспозициялар орқали етказиш, комьютерларда шунга мос дастурларни тузиб тестлар орқали қизиқарли савол-жавобларни ўтказиш, Алишер Навоий, Амир Темур, Бобур Мирзо, Мирзо Улуғбекдек буюк аждодларимизни таништириш, улар билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини уйғотишдир. Бунда бизга келажаги порлоқ бўлган, ўқиб изланишдан чарчамайдиган талабалар, фикри теран ва иқтидорли магистрлар, албатта яқиндан ёрдам берадилар, деб ўйлайман.

Энди бевосита анжуман тафсилотига тўхталадиган бўлсак, унда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннатхон Исмоилова «XIX-XX асрларда ҳунармандчилик тараққиёти», музей катта илмий ходими Феруза Расулова «Тошкент шаҳрининг қадимий тарихи» мавзуларида маъруза қилиб кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар тарихи ҳақида тўлиқ маълумотларни бердилар. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига мутахассислардан керакли жавобларни олдилар.

Ўқувчи-ёшларда Тошкент шаҳри юбилейига бағишланган кўргазма катта таассурот қолдирди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Анжуманлар

## ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **1-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида уюштирилган «Тошкентнинг ой қизиман» мавзуидаги кўрик-танлов азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **КЕЧА** Республика хўжалик суди ва Германия илмий техник ҳамкорлик маркази ҳамкорлигида Хўжалик процессуал Кодексининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган конференцияда тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** 243-мактаб қошидаги «Бойчечак» ёзги болалар оромгоҳининг очилиш маросими тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.**

**• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. У «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида ижро этилиши бўйича ўтказилган назорат таҳлил фаолиятига бағишланди.**

**• Марғилон шаҳрида вилоят ёш ҳунармандларининг кўргазмаси очилди. Унда мингга яқин ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда.**

**• Нукус шаҳрида «Ҳарбий чақирувгача тайёрлаш бўйича энг яхши таълим муассасаси» танлови бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман босқичларида ғолиб чиққан 16 та жамоа ўзаро куч синашди.**

**• «Саломатлик-2» дастури доирасида Андижон вилоятидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига 20 та «Дамас амбуланс» автомашинаси туҳфа этилди. Мазкур бўлимларга тез орада еттита «Хундай» русумли махсус автомашина ҳам келтирилади.**

**• Қизилтепа туманидаги Ванғози қўрғонида ишбилармон Жобир Темуров ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобидан 200 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаб «Сарбозор» савдо марказини ишга туширди. Ушбу хайрли иш натижасида 50 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлишди.**

**• Бухоро шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида «Болалик баҳори» фестивали ўтказилди. Тадбирда анъанавий хонандалик ва созандалик, халқ чолғу ансамбли, рақс ҳамда эстрада-вокал жамоаларининг дастурлари намойиш этилди.**

**• Футбол бўйича Бразилия ва Португалия миллий терма жамоаларининг собиқ бош мураббийи Луис Фелипе Сколари мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» билан 18 ойлик муддатга шартнома имзолади.**

### ЖАҲОНДА

**• Россия Федерациясининг БМТдаги доимий вакили В.Чуркиннинг таъкидлашича, БМТнинг Шимолий Кореяга нисбатан тайёрлаб, кўриб чиқиш учун БМТ хавфсизлик кенгашига топширган резолюция лойиҳасида куч ишлатиш масалалари инкор этилади.**

**• Молдова парламенти ҳукуматнинг янгиланган таркибини тасдиқлади. Эндиликда ҳукумат таркибидан янги вазир сифатида икки киши ўрин олади.**

**• АҚШ Президенти Барак Обама маъмурияти тежамкор автомобилларни харид қилувчиларни мукофотлаш давлат дастурини маъқуллади. Ушбу лойиҳани молиялаштириш учун биринчи босқичда бир миллиард долларлик маблағ ажратилади, йил охирига бориб эса ушбу миқдорни 4 миллиард долларгача ошириш режалаштирилмоқда. АҚШ Сенати тахминларига кўра ушбу дастур ёрдамида Америкада автомобиллар сотилишини 1 миллион донага кўтариш мумкин.**

**• Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Украина иқтисодиётини кўтариш мақсадида 2009 йилда 1 миллиард евро миқдоридаги маблағни ўтказиш ниятида.**

**• Франция ҳарбий денгиз флотининг атом сув ости кемаси Атлантика океанида 1 июнь куни ҳалокатга учраган «А 330» самолётининг «қора қути»сини қидириш ишларини бошлади.**

**• Жаҳон бозорларида нефть нархи ошмоқда. Жумладан, кеча Лондон биржасида ўтказилган савдолар давомида бир баррел нефтнинг нархи 70,8 доллар миқёсида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 71,38 долларни ташкил этди.**

**• Кеча Вашингтондаги Холокост музейида рўй берган отишма натижасида уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Отишмани бошлаган жиноятчи ҳам яраланган ҳолатда касалхонага ётқизилган.**

**• Париждаги Пабло Пикассо миллий музейидан машҳур мусаввир Пикассо ижодига мансуб 33 та хомаки суратлар туширилган ён дафтарча номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Мутахассислар томонидан ўғирланган суратлар нархи 10,3 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда.**

Қарор ва ижро

**Оила — жамиятнинг бир бўлаги. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, мўътадиллигини ундаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий турмуш даражасидан англаб олиш мумкин. Шу боис ҳам юртимизда оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган азиз даргоҳ сифатида улуғланади. Айниқса, мустақиллик йилларида оилага бўлган муносабат тамомила ўзгарди, такомиллашди. Энг муҳими, оиланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган кўплаб ҳужжатлар қаторида 1998 йил Оила кодекси дунёга келди.**

# ОИЛА ВА НИКОҲ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТЛАР

Оила барқарорлигини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида таъминлашга доир қоидаларни ўзида қамраб олган Оила кодекси — оила қонунчилигида муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат оиланинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди, ижтимоий тадбирларни амалга оширишга имкон туғдиради.

Ана шу қоидаларга асосан, ҳозирда барча туманларда "Ёш оилалар мактаби" ўқув машғулотлари фаолият юритмоқда. Унда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, психологлар, тиббиёт ходимлари, дин вакиллари ва бошқа жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этишмоқда. Бундан ташқари оила қонунчилигини белгилайдиган ҳужжатлар тўғрисидаги тарғибот тадбирлари жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад — она ва бола саломатлиги тамойили асосида оиланинг ташкил этилишига эришилмоқда.

Чунки, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бирига айланган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида, оила қураётган ёшларнинг деярли барчаси ушбу жараёнга жалб қилинмоқда. Натижада тиббий кўрик пайтида аниқланаётган айрим хасталикларга никоҳдан аввал барҳам берилмоқда.

Никоҳланувчи шахснинг тиббий кўриги яшаш жойидаги шифокорлар томонидан ФХДЁ органлари берган йўлланма бўйича бепул амалга оширилади. ФХДЁ ходимлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотни олганларидан сўнг никоҳ қайд этилади. Бу эса мустақил ҳаёт олдидан ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди.

Оила қонунчилигининг яна бир ўзига хос жиҳати никоҳнинг расмий қайд этилиши бўлиб, бу унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзага келтиради. Оила қураётган бугунги ёшлар ичида бу жараёнгача, тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан моддий-молиявий жиҳатдан анча нарсага эришганлари кўпчиликни ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳгача ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулки фақат ўзининг мулки ҳисобланади. Шу маънода эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси никоҳ шартномасида акс эттирилса, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари таъминланиб, ўзаро келишмовчилик чиқишининг олди олинади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ рўйхатга олингунига қадар тузилган шартнома у давлат рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши шарт.

Мухтасар қилиб айтганда, оила ва никоҳ бизнинг миллатимизда ўзига хос муқаддас қадриятдир. Шунинг учун улар нафақат қонун, агар таъбир жоиз бўлса, азалий маънавий қадриятларимизга бўлган эҳтиром асосида ҳам ҳимоя этилиши, ардоқланиши лозим.

**Зулайҳо КАМОЛХЎЖАЕВА,**
**Ҳамза тумани ФХДЁ бўлими мудираси**

# ТИББИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Тошкент юридик коллежида «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури» ижросини таъминлаш, ўқувчилар тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда Тошкент юридик коллежи маъмурияти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими, Республика скрининг маркази, Учтепа тумани хотин-қизлар қўмитаси, туман «Оила» маркази фаоллари иштирок этишди.

Маълумот ўрнида билдирадиган бўлсак, скрининг ёки бошқача айтганда, саралаш — бу махсус лаборатор усуллар ёрдамида касаллик, нуқсонларни эрта ва тез аниқлаш учун аҳолини оммавий текширувдан ўтказишдан иборат.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшларга оилада тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида Республика скрининг марказининг малакали шифокорлари томонидан «Шахсий гигиена асослари», «Ўсмирлик — балоғат даври ўзгаришлари», «ОИТСнинг олдини олиш асосларини шакллантириш» ҳақида очиқ мулоқот ўтказилди.

Бундан ташқари ўқувчиларга «Йигитлар сизлар учун», «Гиёванд моддалар ҳақида нима билиш керак?», «ОИТС — бу нима?», «Скрининг текширувларини биласизми?», «Ирсий касалликлардан огоҳ бўлинг!» номли буклет-қўлланмалар тарқатилди.

— Тадбирдан кўзланган мақсад, аҳолини «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури» билан таништириш, йод танқислигининг олдини олиш профилактикаси, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ёшлар ўртасида соғлом-турмуш тарзини, соғлом оилани шакллантириш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш, она ва бола скрининги никоҳдан ўтувчи ёшларни тиббий кўрик билан қамраб олиш каби тушунчаларни етказишдан иборат, — дейди Тошкент юридик коллежининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Анвар Хидиров.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**

**Истеъдодсиз киши бўлмайди. Фақат уни тўғри йўналтира билиш учун маҳорат ва ҳаракат керак. Санъатга ошуфта кўнгиллар учун эса аввало ҳис-туйғу даркор. Сабабки — яратиладиган куй, наво, қўшиқлар ҳиссиётдан униб чиқади. Устозларнинг озгина меҳри бўлса агар, ёшларимиз санъатни кўкларга кўтаришга қодир.**

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

Санъат

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ОҲАНГИ ЖАҲОНГА ТАРАЛМОҚДА

Шаҳримиздаги Глиэр номидаги мусиқа лицейи ҳам ана шундай ёш санъаткорлар етишиб чиқадиган ижод масканларидан биридир.

— Авваламбор шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, мамлакатимиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорини кўплаб турдош ўқув юртлари каби биз ҳам келгусидаги ишларимиз ривожи учун пухта замин деб ҳисоблаймиз, — дейди лицей директори ўринбосари Жаҳонгир Ибрагимов. — Давлат томонидан алоҳида эътибор, ишонч бизга қанот берди, десак муболаға бўлмайди. Ўтган йилларни сарҳисоб этиб, камчиликларимиз устида ҳам мушоҳада қилган ҳолда эндиликдаги ижодий режаларимизни пухта белгилаб олдик. Дастлабки натижаларимиз ҳозирча кўнгилдагидек, назаримда... Келгуси йилда эса лицейда тубдан таъмирлаш ишлари бошланади, янги мусиқа ва техник асбоблар ажратилиши ҳам кўзда тутилган.

Бугунги кунда лицейда 835 дан зиёд ўғил-қизлар мусиқа санъатининг тўққиз йўналиши бўйича сабоқ олмоқда. Фортепиано, халқ чолғулари, дамли-зарбли асбоблар, хонандалик сир-асрорларини уларга 180 га яқин малакали устозлар — профессорлар, санъат арбоблари, халқ артистлари, бошқа тажрибали мутахассислар ўргатмоқда. Назарий билимларнинг амалиёт билан бир маромда олиб борилаётганлиги ёш ижод соҳибларига катта имконият бўлиб хизмат қилмоқда.

Яхши маълумки, меҳнат машаққати, истеъдоднинг қадри у юзага чиққандагина билинади. Азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланадиган — 2009 йилда бу борада мусиқа лицейи эришаётган ютуқлар диққатга сазовордир. Жорий йилда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган «Окно в Европу» («Европага йўл») IV халқаро танловида қатнашиб, юртимиз шарафини жаҳон саҳналарида кўкларга кўтарган Мухтор Муҳаммадалиев (афғон рубоби йўналиши бўйича) биринчи, Дилноза Тўраева (фортепиано) учинчи ўринга сазовор бўлишди. Фортепиано йўналиши бўйича 7-синф ўқувчиси Дилшод Сатторовнинг Италияда ўтказилган халқаро («Associazire Rovere d'Oro Citta disan Barrolomeo ai Mare») танловда ғолибликни қўлга киритиши глиэрчиларнинг улкан муваффақиятлари сирасига киради.

Бундай ютуқларга юртимизда ўтказилаётган танловлар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Қарши шаҳрида уюштирилган анъанавий «Ёш ижрочилар» республика танлови ушбу мусиқа лицейининг истеъдодлар кошонаси эканлигини яна бир карра исботлаб берди. Мазкур танловда анъанавий хонандалик йўналиши бўйича истеъдодини намоён этган Суннат Тўлаганов, Бунёд Каримов ва Мансур Қодировлар ғолибликни қўлга киритишди, Хуршида Раҳмонқулова эса иккинчи ўринга сазовор бўлди. Олдинда бу ёшларимизни халқаро танловлар кутмоқда.

Бевосита мусиқа лицейи томонидан тез-тез ўтказиб келинаётган концерт дастурлари ҳам ёшларга ижодий руҳ бағишлаш баробарида келгусида уларнинг моҳир санъаткор сифатида шаклланиб, катта саҳналарга йўлланма олишларига замин ҳозирлаши, табиий.

**Эртага** Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида ўтказиладиган Глиэр мусиқа лицейи жамоаси иштирокидаги концерт дастури, шубҳасиз, мазкур даргоҳ истеъдодларининг азим шаҳримизнинг 2200 йиллик қутлуғ ёшига муносиб туҳфаси бўлади.

**Акмал ЖУМАМУРОДОВ,**
**Шалола ҲАЙИТОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабалари**

**Юнусобод тумани ДСИ томонидан Республика ҳудудида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг бажарилиши, тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган кишилар томонидан VSD, DVD лазер дисклари, кассеталарнинг аҳолига ноқонуний сотилиши, тарқатилишига барҳам бериш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилиб, тезкор тадбирлар ўтказилмоқда.**

Солиқ

# ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг бузилиши ҳолатларига қарши курашиш, миллий маънавиятимиз ва мафкурамизга зид, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ёзма нашрлар, кино-видео, аудиомаҳсулотлар ва бошқа маҳсулотларнинг республика ҳудудига кириб келиши, уларнинг ноқонуний тарзда сотилиши ва тарқатилишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар режаси бўйича назорат ва текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, 2009 йил 1 январдан 1 июнгача олиб борилган тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси қонуни ва қарорларига зид равишда махсус рухсатномаларсиз сохта кўчириб олинган лазер дискларни аҳолига тарқатиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи 27 та қонунбузарлар аниқланди, ноқонуний савдо учун мўлжалланган 3318 дона, нархи 6424,9 минг сўмлик DVD, VCD лазер дисклар ДСИ ходимлари томонидан вақтинчалик чора кўрилгунга қадар олиб қўйилди. 27 та ҳолатда эса тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун суд идораларига юборилди.

**О.ОДИЛОВ,**
**Юнусобод тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари**

Иқтисодиёт

# СИФАТЛИ ЧИННИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Сифатли ва жилвакор чинни буюмларидан рўзғорда кенг фойдаланилади. Шунингдек, чинни маҳсулотлари ресторан, меҳмонхона, қаҳвахона, чойхона ва жуда кўплаб умумий овқатланиш шохобчаларида зарур ашёлардан саналади.**

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорларимиз чинни ишлаб чиқариш борасида замонавий технологиялардан унумли фойдаланишга, уларнинг харидоргир турларини кўпайтиришга, ички бозорни рақобатбардош товарлар билан таъминлашга интилишмоқда.

«SIMAX F+Z» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам кенг турдаги чинни буюмлари тайёрлашни йўлга қўйишди. Корхонанинг иш бошлаганига эндигина бир йил бўлсада, тайёрланган чиннилар сифати юқори бўлиб, харидорини топмоқда. Бундай маҳсулотларни тайёрлашда 40 нафар малакали мутахассисга цехларга ўрнатилган замонавий хорижий технологик линиялар қўл келмоқда.

Ўтган йилда корхона аҳли томонидан 50 турдаги чинни буюмлари тайёрланди. Улар орасида турли термалар бўлиб, бу борада корхона дизайнер-рассомлари алоҳида маҳорат кўрсатишмоқда. 2008 йилни тадбиркорлар 61 миллион сўмликдан зиёд соф фойда билан якунлашди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланаётган чиннисозлар жорий йилда унинг турларини 150 хилга етказишни мақсад қилишган. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 600 миллион сўмга етказилади. Корхонани кенгайтириш, 40 та фуқарони иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда рақобатбардош чинни буюмларини четга экспорт қилиш ҳам истиқбол режалари сирасига киради.

**Манзура ҲОЖИАКБАРОВА**

# КИЧИК БИЗНЕСГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

**Мамлакатимиздаги молия муассасалари ҳақида гап кетганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг ҳам номи қайд этилади.**

Зеро, банк жамоаси бозор муносабатларига мос ҳолда оқилона иш юритишни ўзига тамойил этиб белгилаган. Айни чоғда, намунали хизматлар кўрсатиш баробарида банкка янги тадбиркорлик субъектларини жалб этиш фойда билан ишлашнинг кафолати эканлигини, шунингдек, мижозга ҳам, банкка ҳам фойда келтирадиган соҳаларга энг мақбул шартлар асосида кредит ажратиш нафақат даромад, балки банкнинг нуфузи ошишига хизмат қилишини чуқур англатади.

Банк жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ХСРИК)нинг 12 миллион АҚШ долларидаги кредит линиясини жалб этди. Гап шундаки, «Ўзсаноатқурилишбанк»и ва ХСРИК томонидан имзоланган ўзаро битимга кўра, лойиҳанинг дастлабки босқичида 3 миллион доллар миқдоридаги кредит маблағи қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, кенг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, информацион технология, соғлиқни сақлаш тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес соҳаси вакилларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

**Ихтиёр ДАНАБОЕВ**

Таълим

# ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Айтиш жоизки, таълим тизимидаги ислоҳотлар, янгиланишлар,ўзгаришлар бунинг яққол исботидир.**



Тошкент банк коллежи — янги турдаги ўқув муассасаси бўлиб, ўқувчиларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича давлат стандартлари асосида, касбий йўналишига, ёшларнинг қобилиятлари, кўникмалари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим берилади. Ҳозирги кунда коллежнинг бешта бўлимида 3000 дан ортиқ ўқувчи банк иши, банкларда бухгалтерия ҳисоби, молия, суғурта иши каби мутахассисликлар бўйича таълим олмоқда. Ушбу мутахассисликлар бўйича 300 га яқин профессор-ўқитувчилар ўқувчиларга таълим бериб келишмоқда. Коллежда танланган мутахассислик бўйича чуқур билим олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий ўқув-техник воситалар, кадаскоп, телевизор, касса аппаратлари, компьютерлар, ўқув қўлланмалари билан жиҳозланган. Дарслар турли фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш технологиялари асосида олиб борилади. Жумладан, замонавий жиҳозлар ва технологиялар билан таъминланган 4 та иммитацион ўқув банки, «Пентиум» русумли компьютерлар, видеопроектор, видеокамера, видеокўз, видеомагнитофондан иборат мультимедия билан жиҳозланган 8 та компьютер хонаси, 2 та лингафон хонаси, барча фанлар бўйича, жумладан физика, химия, биология фанларидан замонавий технологиялар билан жиҳозланган махсус хоналар, спорт зали, теннис корти ва бошқа спорт майдончалари, кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Машғулотлар асосан компьютер технологиялари, интернет ва бошқа иқтисодий ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, коллежда Маънавият ва маърифат маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда тарихий ва маданий бойликлар, коллеж тарихи ва ривожланишига оид материаллар тўпланган. Марказда доимий равишда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунда коллежни 924 нафар ўқувчи битирмоқда. Улар келгусида ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиш мақсадида олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагидалар.

Юрт истиқболи бўлган ёшларимизнинг пок ниятлари, орзу-мақсадлари сари дадил одимлашларини ва парвозлари янада баланд бўлиб, юксак чўққиларни забт этишларини астойдил ният қиламиз.

**Шоира БЎРИБАЕВА**



**СУРАТЛАРДА: Тошкент банк коллежи ўқувчилари машғулот жараёнида.**

